



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 142 (13.475)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ – ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 июль куни Тошкентга амалий ташриф билан келган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари – ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари дўст Туркменистон халқига ва Президент Гурбангули Бердимухамедовга ўзининг чуқур ҳурмати билан изҳор этди ва самимий саломини йўллади.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро муносабатлар изчил ривожланиб, мустақамланиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга шу йилнинг март ойидаги ilk давлат ташрифи, май ва июнь ойларида “Аваза” сайёҳлик зонаси ва Қозоғистон пойтахти Остонадаги амалий учрашувлар, шунингдек, икки давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари Ўзбекистон билан Туркменистон ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиққани ва Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома қўйиладигани амалга оширишни таъминлаётгани қайд этилди.

Айни пайтда келишувларга мувофиқ Ўзбекистон ва Туркменистон компания ва корхоналари қиймати 200 миллион доллардан зиёд қўшма ташқи

савдо шартнома ва битимларни амалга оширишмоқда.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида тизимли ва узоқ муддатли ҳамкорлик йўлга қўйилди, Туркменистонга наватдаги пахта териш машиналари, культиватор ва бошқа замонавий техникалар етказиб берилди. Шу ойда Ашхободда Савдо-сервис маркази ўз фаолиятини бошлади.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти корхоналари базасида Туркменистон темир йўллари ҳаракатланувчи таркибини таъмирлаш ва модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Туркманобод – Фароб автомобиль ва темир йўл кўприклари очилгач, мамлакатларимиз ўртасида транзит ташишлар ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Ўзбекистоннинг фақат темир йўл орқали Туркменистон ҳудудидан ўтган экспорт юклари ҳажми 25 фоиз ошди.

Маданий-гуманитар соҳада ҳам ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Тошкентда Ашхобод богини ташкил қилиш ишлари бошланди. Сентябрь ойда

спортчиларимиз Туркменистон пойтахтида ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича бўлиб ўтadиган наватдаги Осиё ўйинларида иштирок этади.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш, стратегик шерикликни мустақамлашга қаратилган янги йўналишларни белгилаш ва истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалалари муҳокама этилди.

Томонлар минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари – ташқи ишлар вазири Рашид Мередов Президент Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон халқи ва унинг раҳбари Президент Шавкат Мирзиёевга чуқур ҳурмати ва эзгу тилакларини етказди. Р.Мередов Туркменистон икки давлат ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

Рашид МЕРЕДОВ:

ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР ИЖРОСИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари – ташқи ишлар вазири Рашид Мередов ЎЗА мухбирига мамлакатимизга амалий ташрифи чоғида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар ҳақида сўзлаб берди:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашиш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг очик, ишончли, дўстона муносабат-

лари мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожига асос бўлмоқда. Кенг қамровли, ғоят самарали алоқалар халқларимиз манфаатларига хизмат қилмоқда.

Учрашувда Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни юқори баҳолади. Ўзбекистон

Президентининг жорий йил март ва май ойларида Туркменистонга ташрифларида эришилган келишувлар ижроси таҳлил қилинди. Ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди.

Савдо-иқтисодий муносабатлар изчил ривожланмоқда. Бу борадаги

сайёҳ-ҳаракатлар, вазирлик ва хўжалик субъектлари ўртасидаги алоқалар кўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбек ва туркман халқлари қардош, яқин қўшни. Бизнинг тарихимиз бир, тилимиз, қадриятларимиз муштарак. Бу маданий-гуманитар ҳамкорлик ривожига муҳим омил бўлмоқда. Таълим, санъат, маданият, спорт ташкилотлари, мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги дўстона алоқалар тобора мустақамланмоқда.

Делегациямизга кўрсатилган иззат-икромдан миннатдоримиз. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва қардошлик алоқалари янада мустақамланишидан манфаатдоримиз.

ЎЗА

МУСТАҚИЛЛИК – БЕБАҲО ВА УЛУҒ НЕЪМАТ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейида “Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!” деб номланган маънавий-матрихий тадбир ўтказилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга иҳодкорлар, санъаткорлар, маънавият тарғиботчилари, ҳарбий қисм аскарлари ва журналистлар тақдир этилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейи директори М.Нуриддинов, Ўзбекистон халқ артисти Э.Носиров, Тошкент давлат шарқшунослик институти доценти М.Муҳаммадсиддиқов ва бошқалар энг улуг, энг азиз неъмат – мустақиллигимизнинг юрт тараққиёти, тинчлиги ва фаровон ҳаётимизнинг барқарор ҳамда муҳим омилли сифатида тарихий аҳамият касб этиши хусусида сўз юритди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлаётди.

– Бугунги тадбир Ватанимиз мустақиллигининг байрам тантаналари олдидан ўтказилишида катта маъно бор, – дейди ЎЗА мухбирига сержант Бобур Умаров. – Чунки аҳоли ва ёшларга шундай осойишта кунлар қадрига етиб яшаш, тинч ва осуда ҳаётнинг моҳиятини тушунириш, тарғиб қилиш ҳаётий зарурат. Бунда, айниқса, давлат мустақиллиги туфайли халқимизнинг асрий орзу-умидлари ушалиб, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланаётгани ва аҳолининг ҳаёт даражаси яхшиланаётганини ёш авлод онгу шу-рига сингдириш орқали уларни маънавий юксак, ватанпарвар қилиб тарбиялаш асосий мақсадимиздир.

Тадбирда мустақиллик, Ватан, тинчлик, дўстлик ва гўзал ҳаёт шеър, куй ва қўшиқларда мадҳ этилди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида Олий академик курсларнинг тингловчилари ва академия битирувчиларига наватдаги диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.



ОФИЦЕРЛАР ХИЗМАТГА ШАЙ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.Азизов, Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи Б.Матлюбов ва бошқалар юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мазкур олий даргоҳда етишиб чиқаётган ҳар бир офицернинг масъулиятли бурчи эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тубдан қайта қўриб чиқиш ҳамда янада тако-

милаштириш бўйича аниқ вазибалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси мамлакатимизда ички ишлар органларини малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг профессионал даражасини оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда академияда тергов фаолияти, тезкор-қидирув фаолияти, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, эксперт-криминалистика фаолияти йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Таълим жараёни янги давлат стандартлари, замонавий ахборот ва илғор педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, намунавий ўқув режалари асосида олиб борилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар курсантларни ўқишни муваффақиятли тамомлагани билан табриклаб, улар олган билим ва кўникмалар мамлакатимизда тинчликни мустақамлаш, жамиятимизда барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилишга ишонч билдирди.

Н.НАСРИЕВ



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нарпай туманида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, иқтисодий жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши ва тумандаги суд идоралари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари, судьялар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

• Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида “Асаларичилик хўжалиқларини янада ривожлантириш, соҳадаги илғор тажрибаларни омалаштириш йўллари: Андижон вилояти мисолида” мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Анжуманда асаларичиликни янада юқори босқичга кўтариш, самарадорлигини ошириш, касб-хунар коллежларида махсус таълим йўналишлари очиш, хориждан асалари оилалари келтиришга имтиёзлар жорий этиш, асалари уяларини жойлаштириш учун махсус майдонларни кўпайтириш, вилоят асаларичилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

• Қаршида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлинмаси ташаббуси билан ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустақамлаш, аҳоли, хусусан, ёшлар орасида турли оқимларга кириб кетишнинг олдини олиш, бунда оила, таълим муассасаси ва маҳалла ҳамкорлигининг муҳим йўналишлари мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

• Тошкент вилояти Паркент туманидаги “Машъал” болалар оромгоҳида “Соғлом турмуш – ҳаётимиз пойдевори” шиори остида спорт мусобақаси ўтказилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада оромгоҳда дам олаётган болалар шашка, сузиш, стол тенниси, югуриш, узоқ масофага сакраш, асфальтга расм чизиш бўйича ўзаро баҳслашди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида янги сайланган президент Х.Баттулганнинг инаугурация маросими бўлиб ўтди.

• Хитойда уч кун давомида тинимсиз ёмғир ёғиши туфайли юз берган кучли сув тошқинлари натижасида 6100 та хонадон вайрон бўлди, икки нафар одам бедарак йўқолди, 11 мингдан ортиқ аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Сув тошқинлари туфайли мамлакатга 120,5 миллион доллар миқдорида зарар етганлиги таъкидланмоқда.

• Малавида бўлиб ўтган футбол ўйинида рўй берган тартибсизликлар натижасида 8 киши ҳаётдан кўз юмди.

“ЎЗСТАНДАРТ” ТАДБИРКОРЛАРГА ЯҚИН КЎМАКЧИ

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва техник регламентларни тизимли жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Миллий эталонлар базасини ривожлантириш асосида маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги тузилмасини халқаро талабларга мувофиқлаштириш мақсадида 2017 йил 28 апрелда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан таъминланган матбуот анжуманида мазкур қарор ижроси, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан маълумот берилди.

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан жорий йилнинг олти ойи мобайнида 264 халқаро стандарт қабул қилинган. Улар машинасозлик, ёқилғи-энергетика, қурилиш, коммунал ва транспорт, агро-ноат, ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларига жорий этилган.


Хозир 27 техник регламент амалда бўлиб, бу мувофиқликни баҳолашга замонавий ёндашуви таъминламоқда. Тадбиркорлик субъектларига қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида мажбурий сертификатланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати сезиларли қисқартирилди. Экспортга йўналтирилаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш ихтиёрий равишда амалга оширилиши белгиланди, ўлчаш воситаларини тайёрлаш, сотиш ва ижарага бериш фаолиятини лицензиялаш бекор қилинди. Бу тадбиркорларга қўшимча имтиёз бўлибгина қолмай, миллий маҳсулотларимиз экспорт ҳажми ошишига хизмат қилмоқда.

“Ўзстандарт” агентлиги қoшидaги 4 лаборатория халқаро аккредитациядан ўтказилиб, 15 халқаро стандарт бўйича синов усуллари ўзлаштирилди. “Кимё-биология” синов лабораторияси “SGS Tashkent” халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда қўшма баённомаларни расмийлаштиришни йўлга қўйди. Пировардида расмийлаштирилаётган синов баённомаларининг хориж давлатлари томонидан тан олинishiга эришилди.

Бугунги кунда қорхоналарда халқаро менежмент тизимини жорий этиш ва сертификатлаштириш мақсадида агентликнинг ҳудудий марказлари қoшидa сертификатлаштириш идоралари фаолияти йўлга қўйилган. Уларнинг сон 28 тага етди. Амалга оширилган бу каби чора-тадбирлар натижасида 5 мингдан зиёд қорхонага тегишли мувофиқлик сертификатлари топширилди.

“Ўзстандарт” агентлиги тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган хизматлар сифатини таъминлаш мақсадида ходимлар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда жорий йил давомида тизимда меҳнат қилаётган 100 нафарга яқин мутахассиснинг халқаро талаблар даражасида малакасини ошириш режалаштирилган.

Тадбирда журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.
Улуғбек АСРОРОВ



КЕЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Пойтахтимизда ахборот-коммуникация технологиялари тармоғи учун инновацион ечим ва технологияларга бағишлаб ўтказилаётган техник семинарларда мобил алоқа ва интернет, тармоқ, сервер ва IP-технологиялар бўйича энг сўнгги янгиликлар намойиш этилмоқда.

Ушбу тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси, “Uzinforcom” компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ходимлари, таянч станциялар, сервер ускуналари ва мобил телефонлар ишлаб чиқарувчилар, мобил операторлар, олим ва мутахассислар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўринбосари И.Жўраев, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори Т.Тешабоев ва бошқалар замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилаётган мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Ўзбекистонда яратилган кўптармоқли ахборот инфратузилмаси саноатнинг юқори технологияли тармоқларини жадал ривожлантириш ва илгор техник ечимларни жорий қилиш имконини бераётди. Бу борада LTE стандартидagi технологиялар бўйича юқори тезликда ишлайдиган сифатли мобил алоқа ва маълумотлар узатиш имкониятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда бешта мобил оператор рўйқатга олинган бўлиб, бу улар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши ва операторлар кўрсатаётган хизматлар нархнинг арзонлашуви имконини бераётди. 21 миллиондан ортиқ киши мазкур мобил операторлари мижози бўлиб, уларнинг аксарияти интернет

фойдаланувчиларидир. Биргина жорий йилда мамлакатимиз мобил операторлари юртимизнинг турли ҳудудларида LTE стандарти бўйича ишлайдиган 450 дан ортиқ таянч мобил станцияси қуришни режалаштирган. Аҳолини юқори тезликда ишлайдиган интернет билан қамраб олишни янада кенгайтириш, янги оптик толали линияларни ўтказиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўтказилаётган техник семинарлардан қўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда мобил алоқа ва интернет соҳасидаги илгор ахборот технологияларини жорий қилиш, глобал АКТ саноатини ривожлантириш йўналишларини белгилайдиган янги стратегия ва техник ечимларни тақдим этишдир.

Семинарларда 5G стандарти бўйича ишлайдиган маълумотлар узатиш, таянч станциялар ва янги ускуналарни интеграциялаш истиқболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, тадбирлар доирасида юқори тезликда ишлайдиган кенг полсаласи сервис технологиялари, 2020 маълумот узатиш транспорт тармоғи, “IPTV” интернет протоколи телевидениеси, буюмлар интернет, M2M, биллинг тизимлари, “Bigvideo” технологиялари бағишланган қатор маърузалар ҳам тақдим этилди.

Техник семинарлар Ўзбекистон иқтисодиётига тармоқ, IP ва мобил технологиялар соҳасига оид инновацион ечимларни жорий қилиш, саноатнинг юқори технологияли янги тармоқларини ташкил этишга хизмат қилади.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

иш ҳақининг бир юз эллик баробарида уч юз баробаригача жарима ёки уч юз соатдан уч юз олти соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан чеклаш ёхуд бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки сув таъминоти тармоқларига ўзбошимчилик билан улашиб олиш ёки электр, иссиқлик тармоқларига ўзбошимчилик билан улашиб олиш ёки электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисоблаб бориш ускуналарига уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида ташқаридан аралаштириш, жуда катта зарарга сабаб бўлса – энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баробаридан беш юз баробаригача жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарар қопланса озодликдан чеклаш ва озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилмайди.

Илк бор жиноят содир этган шахс, агарда жиноят аниқланганидан ўттиз кунлик муддат ичида етказилган моддий зарарни қоплаб берса, жавобгарликдан озод этилади.

Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши – электр энергетика ва газ тармоқларини модернизация қилишга, истеъмолчиларни энергия ресурслари билан узлуқсиз таъминлашга, мамлакат иқтисодиёти, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришга, суд қарорлари ижросининг самарадорлигини, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга ҳамда жамиятда қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўктам ПИРМАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛК
департаменти Тошкент шаҳар
бошқармаси катта инспектори,
Нодир МУХАМЕДОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛК
департаментининг Юнусобод
туман бўлими бошлиғи

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТУМАН МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ 2017 ЙИЛ ИККИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги “Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5075-сонли Фармони (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 19 июнь, 24-сон, 488-моддаси), “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини ошириш тўғрисида”ги ПК-3042-сонли Қарори (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 19 июнь, 24-сон 491-моддаси) ҳамда Молия вазирлигининг 2017 йил 30 июндаги ЁТ/03-05-32-15/80-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги “Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5075-сонли Фармонига мувофиқ, 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб 2017 йилнинг 31 декабригача тажриба тариқасида Тошкент шаҳри туманларининг маҳаллий бюджетларини шакллантиришда жойлардаги туман ҳокимликларининг ваколатларини кенгайтириш ҳақидаги таклифи маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:
Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2017 йил иккинчи ярим йиллик учун бюджет параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2017 йил иккинчи ярим йиллик даромадлари ва харажатлари, шаҳар маҳаллий бюджетидан туман маҳаллий бюджетларига ажратиладиган мақсадли бюджетлараро трансфертлар миқдори 2-иловага мувофиқ; солиқ ва йиғимлардан туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳри ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2017 йил иккинчи ярим йиллик учун бюджет параметрлари 4-15 иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Н.Хусанов), туман ҳокимлари, Молия бош бошқармаси (Н.Сабиров):

ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг шаҳар ва туманлар бюджетларига тегишли ўзгартиришлар киритсин ҳамда бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш чорасини кўрсин;

тегишли маҳаллий бюджетларга бюджет ссудалари (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) ажратишда, уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича бюджет харажатларини биринчи навбатда сўзсиз молиялаштирилиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириб босин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Н.Хусанов), туман ҳокимлари, тегишли бошқарма, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларнинг тасдиқланган даромадлари режасини сўзсиз бажариш, қонунчилик доирасида харажатларни, шу жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришни таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига мувофиқ, жорий йилнинг иккинчи ярим йиллигида ҳудудлардаги солиқ тўловчиларни тўлиқ қамраб олиш ва солиқларнинг йиғувчанлигини ошириш, янги ишлаб чиқариш қорхоналарини барпо этиш, ишлабмаётган, иқтисодий ночор қорхоналарнинг фаолиятини қайта тиклаш орқали солиқ базаси кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларига тушумни кўпайтириш чораларини кўрсинлар.

5. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 31 декабрдаги “Тошкент шаҳрининг 2017 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида”-ги 1177-сонли қарорининг 3-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Хусанов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2017 йил 3 июль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш муҳитини ҳамда энергия ресурсларини талон-тарож қилиш ҳолатларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, шунингдек, энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлиқни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 29 май кунини “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига энергия ресурсларини етказиб бериш, истеъмол қилиш ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиқнинг муқаррарлиги принциплари сўзсиз риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифаларни юклади.

Фармонга асосан, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, шунингдек, энергия ресурслари учун қарздорлик мавжуд бўлганда истеъмолчиларни тармоқдан узиш тартиби шакллантирилди. Унга мувофиқ, 2017 йил 1 июлидан бошлаб истеъмолчи – жисмоний шахслар ҳар ойнинг 10 санасига қадар ўтган ойда фойдаланилган энергия ресурслари учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга энергия ресурслари олдиндан юз фоизлик ҳақ тўлаш асосида етказиб берилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, истеъмолчилар тармоқдан мажбурий узилади, бунда қайта улаш учун жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари, юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдорида тўлов ундирилади.

Бундан ташқари, Фармонда электр энергияси ва табиий газдан фойда-

ланишни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини ҳамда бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар назарда тутилди.

Мазкур Фармоннинг ижросини самарали таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майда “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги

САРФЛАНГАН КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ УНУТМАНГ!

Қарори имзоланди. Ушбу ҳужжатларнинг мантқиқий нуқоти сифатида 2017 йил 13 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги Қонунини имзоледи.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки сув таъминоти тармоқларига ўзбошимчилик билан улашиб олиш ёки электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисоблаб бориш ускуналарига атайин зарар келтириш ёхуд ҳисоблаш ускуналарига уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида ташқаридан аралаштириш, жуда катта зарар келтириш билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки сув таъминоти тармоқларига ўзбошимчилик билан улашиб олиш ёки электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисоблаб бориш ускуналарига атайин зарар келтириш ёхуд ҳисоблаш ускуналарига уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида ташқаридан аралаштириш, жуда катта зарар келтириш билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки сув таъминоти тармоқларига ўзбошимчилик билан улашиб олиш ёки электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисоблаб бориш ускуналарига атайин зарар келтириш ёхуд ҳисоблаш ускуналарига уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида ташқаридан аралаштириш, жуда катта зарар келтириш билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки сув таъминоти тармоқларига ўзбошимчилик билан улашиб олиш ёки электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисоблаб бориш ускуналарига атайин зарар келтириш ёхуд ҳисоблаш ускуналарига уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида ташқаридан аралаштириш, жуда катта зарар келтириш билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки сув таъминоти тармоқларига ўзбошимчилик билан улашиб олиш ёки электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисоблаб бориш ускуналарига атайин зарар келтириш ёхуд ҳисоблаш ускуналарига уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида ташқаридан аралаштириш, жуда катта зарар келтириш билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки сув таъминоти тармоқларига ўзбошимчилик билан улашиб олиш ёки электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисоблаб бориш ускуналарига атайин зарар келтириш ёхуд ҳисоблаш ускуналарига уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида ташқаридан аралаштириш, жуда катта зарар келтириш билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки сув таъминоти тармоқларига ўзбошимчилик билан улашиб олиш ёки электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисоблаб бориш ускуналарига атайин зарар келтириш ёхуд ҳисоблаш ускуналарига уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида ташқаридан аралаштириш, жуда катта зарар келтириш билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки сув таъминоти тармоқларига ўзбошимчилик билан улашиб олиш ёки электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисоблаб бориш ускуналарига атайин зарар келтириш ёхуд ҳисоблаш ускуналарига уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида ташқаридан аралаштириш, жуда катта зарар келтириш билан жазоланади.

Болалар спорт

Фарзандлари соғлом
юрт қудратли бўлур

Мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёшларни баркамол шахс бўлиб вояга етишлари, жисмонан бақувват бўлишлари йўлида юртимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз кетганида бу йўналишда ҳали янада кўпроқ изланишимиз зарур эканлиги аён бўлади.

Албатта ёш авлод камолоти йўлида Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ходимлари меҳнатига ҳам баҳо бермаслик инсофдан бўлмас. Очигини айтганда жамғармамиз ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан ошно тутинишлари йўлида ижобий саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Бу ишлар аллақачон самара бера бошлади. Аммо, ҳали қиладиган юмушларимиз жуда кўп. Яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эълон қилинганидан барча ҳамюртларимизнинг хабари бор албатта. Ушбу муҳим ҳужжат болалар спортини янада ривожлантириш ҳамда оммавийлигини ошириш борасида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди.

Энди бевосита камини фаолият юритаётган Миробод туманидаги жамғарма томонидан амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтсак. Аввало, туманимизда 16 та умумтаълим мактаби, 7 та касб-хунар коллежлари, 5 та академик лицей, халқ таълими тизимида қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, спорт ўйинлари ва гимнастикага ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Республика олимпия маҳорати спорт мактаби, "Локомотив" спорт маркази мавжуд. Барча таълим муассасаларида ёшларга 94 нафар малакали мураббийлар жисмоний тарбиядан сабоқ бериб келишмоқда. Албатта, барча ўқув муассасалари, касб-хунар коллежларида спорт заллари ўқувчилар хизматида. Лекин, Миробод компьютерлаштириш касб-хунар коллежи, Миробод санат касб-хунар коллежидида спорт майдончалари, бунёд этилмаганлиги бироқ ачинарли ҳолдир. Аммо, ушбу ўқув масканларида ҳам спорт майдончалари бунёд этилиши режалаштирилган. Туман миқёсидаги таълим масканларида тахсил олаётган 34874 нафар ўқувчилар

Жамғармалар фаолиятдан

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

4029 нафари жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланади. Туманда жисмоний соғломлаштириш ва спорт билан шугулланаётган ёшлар 13.008 нафарни ташкил этса, уларнинг 4594 нафари қизлар эканлиги таҳсинга сазовор. Туман халқ таълими тизимида тахсил олаётган 23122 нафар ўқувчиларнинг 3526 нафари спорт сирларини ўрганоқда. Бу ёшларнинг 9854 нафари жисмоний соғломлаштириш ва спорт билан мунтазам шугулланиб келмоқдалар.

Хар бир байрамда, тантаналарда ўқувчи-ёшлар ўртасида спорт мусобақалари уюштириш аънаёнага айланган. Спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, стол теннис, шахмат, шашка, енгил атлетика, эркин кураш, бокс, бадий гимнастика, акробатика, теннис, қўл түпи, белбоғли кураш, миллий кураш, сузиш, спорт гимнастикаси, самбо, ўзбек жанг санъати турлари бўйича хар бир байрамда ўтказилган спорт мусобақалари фикримизга яққол далилдир. Бу спорт тадбирлари болалар орасида жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишни янада кучайтиради, келгусида бу ёшларнинг профессионал спортчи бўлишларида катта ёрдам беради. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 декабрда қабул қилган 356-сонли қарорига мувофиқ туманимиздаги 44, 29-сонли БЎСМлар бирлаштирилиб, 1-сонли БЎСМ, 6, 12-сонли ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактаблари бирлаштирилиб, 2-сонли БЎСМга айлантирилди.

Туманимиздаги спорт иншоотларидан самарали фой-

даланиш мақсадида шу кунгача 150 дан ортиқ уюштирилган спорт мусобақалари ва турли хил тадбирларда 7060 нафар ўқувчи иштирок этишди. Спорт тадбирларида ғолиб ва совриндор бўлган ёшларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан 1.714.600 миллион сўмлик совғалар тўхфа этилди. Дарвоқе, йил бошидан шу кунга қадар машҳур спортчи ҳамда иқтидорли ёшлар иштирокида 23 та маҳорат сабоқлари ва учрашувлар ташкил этилди.

Айни кунларда мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилини мароқли ўтказишларида кўмак бериш мақсадида туманимизнинг кўпгина мактабларида ёзги оромгоҳлар ташкил этилган. Ушбу дам олиш масканларида "Ёз – 2017" шиори доирасида спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ушбу спорт тадбирларини уюштиришга 27 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси жалб этилган.

Хулоса қилиб айтганда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали бундан кейин ҳам келажагимиз ворислари – болажонларимизнинг камолоти йўлидаги хайрли ишларини давом эттираверади.

Баҳодир БАХРОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси
Тошкент шаҳар филиали бош мутахассиси,
Миробод тумани вакили

Ёш авлодни жисмонан бақувват, маънан етук, зукко, эпчил, доно ҳамда юртига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда профессионал спортни янада ривожлантириш, профессионал спортчиларнинг маҳоратини янада юксалтиришда спорт мактабларининг ўрни бекиёс эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Спорт масканларида

ИҚТИДОРЛИЛАР САФИ
КЕНГАЙМОҚДА

Шу боис ҳам истиқлол шарофати билан мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт, хусусан, болалар спортини ривожига катта эътибор қаратила бошланди.

Юртимизда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Исрол Каримов ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганига ҳам жорий йилда 15 йил тўлади. Жамғарма ва унинг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар филиаллари ташаббуси билан ҳомий ташкилотлар кўмағида барча таълим масканларида спорт иншоотлари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилганлиги, спорт мактаблари қурилиб, юртимиз ёшлари орасида жисмоний тарбия ва спортнинг омаллашишига замин яратгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, юртимиз ёшларини профессионал спортчи бўлишларида имкон яратиш мақсадида жорий этилган уч босқичли тизим – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ҳамда "Универсиада" мусобақаларининг мунтазам ўтказиб келинаётганлиги ёшларимизнинг халқаро миқёсдаги турнирларда, Осиё биринчиликлари, жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида, Гран-при мусобақаларида совринли ўринларини эгаллаб, юртимиз довуруғини оламга ёйишларида сабаб бўлмоқда.

Камини фаолият юритаётган Тошкент олий спорт маҳорати мактаби 2011 йилга қадар Йўлдош Охунбоев номидаги спорт ўйинлари бўйича Тошкент олий маҳорат мактаби деб номланар эди. Кейинчалик бу маскан Тошкент олий спорт маҳорати мактаби номини олди.

Тошкент олий спорт маҳорати мактабининг асосий мақсади – спорт турлари бўйича энг сўнгги жаҳон илмий-методик тавсиялари ва технологияларини қўлланган ҳолда кучли, иқтидорли спортчиларни тайёрлаш ва бу ёшлар орасидан ўзини кўрсатган энг иқтидорлиларини Тошкент шаҳар ҳамда Ўзбекистон терма жамоаларига тавсия этишдан иборат.

Спортнинг теннис, стол теннис, баскетбол, бадминтон, тазкандо ВТФ, велоспорт, волейбол, зшак эшиш, гандбол, регби турларини ёшларга ўргатишга ихтисослашган мактабимизда 61 та гуруҳда 206 нафар ўқувчилар малакали мураббийлар кўмағида профессионал спортчи бўлишга интиломоқдалар. Мактабимизда тахсил олаётган 15-16 ёшлилар сони 100 нафарни ташкил этади.

Шуни қувонч билан таъкидлаш мумкин, мактабимизда ёшларнинг юқорида номлари санаб ўтилган спорт турлари сир-асрорларини мукамал ўрганишлари учун барча шароитлар мўжайё қилинган. Халқаро талабларга жавоб берадиган спорт заллари, майдончалари, кутубхона, ювиниш, кийиниш, дам олиш хоналари, замонавий синфхоналар ва кўркам бино ўқувчилар ихтиёрида. Шу туфайли, мактабимиз ўқувчиларининг 68 нафари Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси ҳисобланса, 29 нафари терма жамоанинг захира спортчиси-дир.

Ўтган 2016-2017 ўқув йиллари мобайнида мактабимиз ёшларидан 4 нафари Халқаро спорт устаси бўлган бўлса, 5 нафари республика спорт устаси нормативига лойиқ топилди. Мактабимиз спортчиларидан республика биринчилиги ва Ўзбекистон кубоги баҳсларида катнашган 37 нафари яқунда олтин медаллар эгасига айланган бўлса, 27 нафари фахрли 2-ўрин, 38 нафари эса 3-ўринни қўлга киритди. Осиё чемпионатида катнашган ўқувчиларимизнинг 3 нафари 2-ўрин, 3 нафари 3-ўрин насиб этган бўлса, бошқа халқаро турнирларда катнашган ўқувчиларимизнинг 13 таси олтин медал эгасига айланди, 33 нафари 2-ўрин, 6 нафари 3-ўрин билан кифояланди.

Шунингдек, жорий йил Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида уюштирилган Ислон бирдамлик ўйинларида катнашган мактабимиз аъзоларидан бир нафари олтин медал билан тақдирланган бўлса, 2 тасига кумуш, 3 нафарига бронза медал насиб этди. Хусусан, мусобақа иштирокчиси Разолина Хожиева шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, бадминтон мусобақасида катнашган Андрей Хуршидьянга фахрли 2-ўрин насиб этди.

Хулоса қилиб айтганда ёшлар тарбиясига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки фарзандларимиз келажагимиз. Биз эса келажагимиз ворисларининг ақли, доно, билимли, бахтли бўлишлари учун қўлимиздан келган барча ишни сиҳидқилдан бажаравераимиз.

Раъно ҚОРАБОЕВА,
Тошкент олий спорт маҳорати
мактаби директори ўринбосари

Ватан ҳимояси –
муқаддас бурчОФИЦЕРЛИК —
ШАРАФЛИ КАСБ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида тезкор-стратегик бошқарув бўғини офицерлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш олий курслари тингловчиларининг навбатдаги битирувиги бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Битирувчиларни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги номидан мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғи, генерал-лейтенант Ш.Норматов, устозлари ва сафдошлари ушбу унутилмас кун билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриғида "...мутлақо янги Қуролли Кучлар академиясини ташкил этиш бу йўналишдаги биринчи қадам бўлиши даркор. Ушбу ўқув маскани Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг шонли ҳарбий аъналарини ва ҳозирги мавжуд академия ҳамда мамлакатимиздаги етакчи илмий-таълим муассасаларида тўпланган фаолият тажрибасини ўзига қамраб олиши керак. Ишончим комил, бу академия ҳарбий таълимнинг ягона тизимида ҳақиқатан ҳам асосий ўринни эгаллайди, том маънода ҳарбий илм-фан марказига айланади. Академияда лейтенантлар тайёрлаш, фаолият кўрсатаётган офицерлар малакасини ошириш ва шунингдек, армиямиз бошқарув таркибидаги қўмондонлик кадрларини махсус тайёрларликдан ўтказиш давом эттирилади", деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиясида ўқиш жараёни офицерларни тайёрлашнинг туртинчи босқичи ҳисобланади. Биринчи босқичда улар ўзи танлаган олий ҳарбий-таълим муассасасида ўқийди. Иккинчи босқичда Қуролли Кучлар академияси ҳузуридаги офицерларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш олий курсларида ўқишни давом эттиради. Учинчи босқичда тактик бошқарув бўғини офицерлари академия ҳузуридаги қўмондонлик таркиби офицерларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш олий курсларида, туртинчи босқичда академияда икки йил ўқийди. Бешинчи босқичда тезкор-стратегик бошқарув бўғини офицерлари қайта тайёрлаш малакасини оширса, олтинчи босқичда олий раҳбар кадрлар малакаси оширилади.

Шу кунги тезкор-стратегик бошқарув бўғини, шунингдек, шифровка қилиш органлари офицерларига диплом топширилди. Улар устозларига миннатдорлик билдириб, эгаллаган билим ва кўникмаларидан мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада оширишда самарали фойдаланишга ваъда берди.

– Узлусиз таълим офицерлар тайёрларлигининг юқори даражасини таъминлашнинг асосий таркибий қисмларидан биридир, – дейди битирувчилардан бири, полковник Зокиржон Сайфуддинов. – Ҳарбий фан бир жойда тўхтаб турмайди ва жанговар ҳаракатларни амалга ошириш усуллари ҳам ўзгармоқда, шунга муносиб равишда миллий армиямизнинг тайёргарлик даражаси мунтазам такомиллаштирилмоқда.

– Қуролли Кучлар академиясида тингловчи сифатида ўқиб, диплом олгандан сўнг ўз бурчимизни бажариш учун хизматни бошлаганимизга кўп вақт бўлгани йўқ, – дейди подполковник Баҳодир Янгибоев. – Аммо, шу йиллар давомида дунёда ва мамлакатимизда рўй берган кўплаб муҳим воқеалар тезкор-стратегик бошқарув бўғини офицерларини тайёрлаш жараёнига ҳам таъсир кўрсатди. Буларнинг барчаси ўқув дастурлари ва машғулотлар режасида ҳисобга олинди.

– Устозларимизга берган билими учун миннатдорлик билдирамиз, – дейди майор Сергей Химич. – Бу ерда офицерлар маҳоратини ошириш учун барча қулайликлар мавжуд, ҳар томонлама билимли юқори малакали ўқитувчилар меҳнат қилмоқда.

Қуролли Кучлар академияси ҳузуридаги олий курслар битирувчилари энди бу ерда олган билим ва кўникмаларини миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлигини такомиллаштириб, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга сафарбар этади.

А.КАМОНОВ,
УЗА муҳбири

Реклама ва эълонлар

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Юнусобод тумани, 11-мавзе, 40-уй, 22-хонадонда яшовчи Искандаров Фарход Хошимовичнинг номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Олмазор тумани, Татсиқ-боев-2 мавзеси, 8-уй, 5-хонадонда яшовчи Юлдашева Холда Маджидовна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Ёш чемпионлар

ОДИЛЖОННИНГ
ОРЗУЛАРИ УЛКАН

Жорий йилнинг 29 майдан 2 июнга қадар велоспорт бўйича Фарғона шаҳрида ёшлар ўртасида уюштирилган мамлакат биринчилиги ҳамшаҳримиз Одилжон Тоировга омад келтирди. Биринчилик якунида мусобақага пухта тайёргарлик кўрган Одилжон маррага барча рақибларини ортда қолдирган ҳолда биринчи бўлиб етиб келди ва олтин медал билан тақдирланиб, Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Ҳали 18 ёшга тўлмаган бугунги лавҳамиз қаҳрамони Одилжон Тоировнинг велоспорт билан шугуллана бошлаганига 5 йил бўляпти. Аммо шу қисқа фурсат ичида Одилжон юксак натижаларга сазовор бўлиб, ўзининг маҳоратли спортчи эканлигини устозларига исботлашга улғурди дейиш мумкин. Қаҳрамонимиз 1999 йилда пойтахтимизда туғилди. 2005 йилда Олмазор туманидаги 133-умумтаълим мактабига ўқигача борди.

Эътиборлиси, келажада профессионал спортчи бўлишга аҳд қилган қаҳрамонимиз устози томонидан берилган хар бир топшириқни аъло даражада бажаришга интилиб, машғулотларда мунтазам иштирок этди. Бу тинимсиз изланиш ва машаққатли меҳнат ўз самарасини берди.

– Шогирдим Одилжоннинг келажаги порлоқ, – дейди велоспорт мураббийси, Халқаро спорт устаси Вадим Шаехов, – чунки у жуда меҳнатсевар, тиришқоқ, ўз устиди тинимсиз изланади. Машғулотларда қийин машқларни оғринмай, беҳато бажармаса қўнғили тўлмайди. Шу туфайли, 2015 йилдан Ўзбекистон биринчилигида мунтазам катнашган келаётган шогирдим бир неча бор мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Агар Одилжон ана шу меҳнатсеварлигини сусайтирмаса, аминман-

ки, халқаро мусобақаларда ҳам омад унга қулиб боқади.

Дарҳақиқат, Одилжон Тоиров 2015 йилнинг ўзига 3 марта мамлакат миқёсида уюштирилган мусобақаларда фақат шохсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин эгаллади. Аввалига 2015 йилнинг 14-15 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон очик чемпионатида, шу йилнинг 27 апрель кунли Наманганда уюштирилган мамлакат биринчилигида, Тошкент вилоятида 2015 йил 4 ноябрда ташкил этилган республика турнирида 1-ўрин эгасига айланди. Шунингдек, Одилжон Тоиров Наманган шаҳрида ўтган йили бўлиб ўтган 2 та Ўзбекистон чемпиони мусобақаларида яна энг маҳоратли спортчи эканлигини исботлади. Мусобақалар якунида Одилжонга биринчи ўрин соҳиби сифатида олтин медаллар тантанали равишда топширилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Одилжоннинг келажадаги орзулари улкан. Унинг мақсади Осиё биринчилигида ғолиб бўлиш, жаҳон чемпионлигини қўлга кирийтиб, Олимпиада ўйинларида энг юқори поғонани забт этиш.

Биз қаҳрамонимиз ҳақидаги мақолага нўқта қўяр эканмиз, орзуларинг ўзингга йўлдош бўлсин, деб ният қилдик.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



"Ёз - 2017"

"ҚАЛДИРҒОЧ"ДА ЗАВҚЛИ КУНЛАР

Ёзги таътил бўлишига қарамай мактабдан болаларнинг кулгуси, завқли шовқини аримайди. Шахмат-шашка, футбол мусобақалари авжида. Яна бир гуруҳ болалар табиат манзаралари, Ватан, мактаб, оила мавзуларида расм чизмоқда. Қизларнинг аксарияти тўқиш, чеварлик тўғарагида. Кимдир кутубхонада китоб мутлоаси билан машғул.

Барча жойларда бўлгани каби Тошкент шаҳридаги мактаблар қошидаги оромгоҳлар болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 28-мактабда ташкил этилган "Қалдирғоч" болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳамisha ўғил-қизлар билан гавжум.

Оромгоҳга "Гуручарик", "Хастимом", "Корасарой" каби маҳалла фуқаролар йиғинидан 140 нафарга яқин ўқувчи қатнайди, — дейди ЎЗА муҳбирига оромгоҳ раҳбари Шаҳзода Сатторов. — Болалар билан ишлаш учун энг малакали ўқитувчилар билан бирга "Баркамол авлод" марказларининг тўғрақ раҳбарлари, ётақчилар жалб этилган.

Бу ерда болаларнинг бир дақиқа бўлса-да зерикашига вақти йўқ. Эрталабки бадантарбиядан сўнг, нонушта, кейин эса гуруҳлар бўйича машғулотлар бошланиб кетади. Спорт, хорижий тиллар, расм, бисер тўқиш, рақс каби ўндан ортқ тўғарак ишлаб турибди.

Оромгоҳда ҳозирги кунда учинчи мавсум фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир мавсум ўн кундан иборат бўлган оромгоҳда болаларнинг тиббий маданиятини ошириш, маънавиятини юксалтириш, ватанпарварлик, юртга садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактаб шифокори иштирокида соғлом турмуш тарзи асослари ҳақида доимий суҳбатлар олиб борилса, ҳуқуқшунослар болалар ҳуқуқлари, юртимизда ёшлар камолоти, уларнинг таълим-тарбияси йўлида кўрсатилаётган эътиборнинг моҳиятини тушунтирмоқда.

Мактабга илк қадам қўйиш арафасидаги кичкинтойлар учун саводхонлик, ўқиш, ёзув, математика, расмга оид алоҳида машғулотлар олиб борилади. Тўқиш, чеварлик, бисер тўғараклари болаларни меҳнатга ўргатса, шахмат ўйинлари уларнинг мантикий фикрлашини кучайтириб, эҳёини чархламоқда. Драма тўғарагида болаларга оид мўъжаз асарлардан лавҳалар ижро этилади. Етти мингга яқин китоб фондига эга кутубхонада "Энг китобхон ўқувчи", "Китобим — офтобим" каби танловлар, маърифий акциялар ўтказилиши ўқувчиларнинг адабиётга бўлган меҳрини оширмоқда.

Машғулотларни қизиқарли тарзда ташкил этиш билан бирга болаларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ватанпарварлик, юртга садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактаб шифокори иштирокида соғлом турмуш тарзи асослари ҳақида доимий суҳбатлар олиб борилса, ҳуқуқшунослар болалар ҳуқуқлари, юртимизда ёшлар камолоти, уларнинг таълим-тарбияси йўлида кўрсатилаётган эътиборнинг моҳиятини тушунтирмоқда.

Машғулотларни қизиқарли тарзда ташкил этиш билан бирга болаларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ватанпарварлик, юртга садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактаб шифокори иштирокида соғлом турмуш тарзи асослари ҳақида доимий суҳбатлар олиб борилса, ҳуқуқшунослар болалар ҳуқуқлари, юртимизда ёшлар камолоти, уларнинг таълим-тарбияси йўлида кўрсатилаётган эътиборнинг моҳиятини тушунтирмоқда.

риш, ўқишга бўлган иштиёқини янада оширишга жиддий эътибор қаратилади, — дейди "Камал" гуруҳи раҳбари Дилафруз Юнусхўжаева. — Бу эса уларнинг билимини янада бойитиш, янги ўқув йили бошланишидан аввал уларнинг маърифий тайёргарлигини оширишга хизмат қилади.

Ўғлим Даврон оромгоҳдаги шахмат тўғарагига қатнайди, — дейди Махмуда Нурмухамедова. — Шу билан бирга қўлидан китоб тушмайди деган бўлди. Биз ҳам уйдагилар билан унинг бўш вақти қандай, кимларнинг даврасида ўтаётгани, деб ортқча хавотирланган бўлишимиз. Мактаблар қошидаги ёзги оромгоҳларнинг ташкил этилгани болалар учун ҳам, ота-оналар учун ҳам гоёта фойдали бўлмоқда.

Оромгоҳда зерикашга вақт йўқ, — дейди 6-синф ўқувчиси Азиз Убайдуллаев. — Мен инглиз тили, футбол тўғараги машғулотларини сира қолдирмайман. Бу ерда тенгдошларим билан маза қилиб ўйнаймиз. Музейлар, истироҳат боғларига саёҳатга бордик.

Бу каби оромгоҳлар юртимизнинг турли ҳудудларидаги мактабларда фаолият кўрсатмоқда.

Н.УСМОНОВА

Хуршид Ҳамидов Шайхонтоҳур туманидаги 59-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси. У айни кунларда ушбу мактаб қошидаги "Бинафша" ёзги соғломлаштириш оромгоҳида ҳордиқ чиқармоқда. Бу ерда ташкил этилаётган бир-биридан қизиқарли интеллектуал ўйинлар, тўғараклар ва саёҳатлар болажонларга хуш ёқмоқда.

ТАБИАТ ВА ТАРБИЯ

— Синфдошларим билан ўқув масканимизда очилган оромгоҳга қатнаймиз, — дейди Хуршид. — Бу ерда ўтказилаётган турли кўнгилочар ўйинлар, тадбирлар ва мусобақаларда фаол иштирок этаёмиз. Айниқса, табиати асраш, экологик муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича ташкил этилаётган тадбирлар биз учун жуда фойдали бўлмоқда. Бундай тадбирлар она табиатга меҳр қўйиш ва унинг мусоффолигини асрашга бўлган масъулиятимизни янада оширади.

"Оила — тарбия ўчоғи" мавзусида ташкил этилган тадбир ҳам 59-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби қошидаги "Бинафша" ёзги соғломлаштириш оромгоҳи дам олувчилари учун янада мазмунли бўлди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси, Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳамда мазкур умумтаълим мактаби ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида она заманимиз мусоффолигини асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит тозаллигини сақлашда аҳоли, айниқса, навқирон авлоднинг экологик маданиятини юксалтириш борисиди саъй-ҳаракатлар амалий натижалар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Озодаллик ва ободлик каби миллий анъаналаримизни ёшлар онгига синдиришда оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир, — дейди Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси раҳбари Дияра Шарипова. — Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар, шу муносабатлар тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар оила шароитида, ота-она берган тушунчалар асосида шаклланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, оила тарбияси шахс маънавиятининг шаклланишидаги асосий восита ҳисобланади. Бугунги тадбирда айнан шу масалалар бўйича иштирокчиларга маълумот бердик, бу борада уларнинг фикрларини билдик ва ўргандик.

Тадбирда мутахассислар томонидан она табиат мусоффолиги ёш авлоднинг соғлом ва комил инсонлар бўлиб етишишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги атрофича тушунтириб берилди. Интерфаол ўйинлар асосида машғулотлар ўтказилди.

Болажонларнинг бадий чиқишлари тадбирга янада файз қиритди. Фаол иштирокчилар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

"Ватанпарвар" ташкилоти "Чилонзор ўқув спорт техника клуби" унитар корхонасида спортнинг пневматик милтиқдан ўқ отиш тури бўйича очик спорт мусобақаси ўтказилди.

Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан Ўқув спорт техника клубларининг спортчилари ҳамда ўсмир ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақада пойтахтимизнинг 8 та спорт жамоасининг 48 нафардан иборат спортчилари "ПП-1" ва "ВП-2" машқларида қатнашдилар.

Глобаллашув даврида ёшларни турли зарари таъсирлар, бузғунчи ғоялардан асраш мақсадида, уларни спорт турларига бўлган қизиқишларини орттириш, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини юксалтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жисмоний чиниқтиришга эътибор қаратишда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта.

Мазкур спорт турининг ўзига хос хусусияти шундаки зийраклик ҳамда мўлжалли аниқ олиш талаб этилади. Бунинг учун ёшлар мунтазам равишда спорт машқларини такрорлаб туришлари лозим.

Қизғин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган ушбу турнирда жамоалар ўртасида 1-ўринни "Ватанпарвар" ташкилоти "Чилонзор ЎСТК" унитар корхонаси эгаллади. Шунингдек, мусобақада яқка тартибда иштирок этган қатнашчилар орасидан ҳам голиблар аниқланди. Мусобақа голибларига эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Хулқар ЮСУПОВА

Футбол янгилклари

БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXVI миллий чемпионатининг биринчи давра баҳслари ниҳоясига етди.

Жорий йилги чемпионат аввалгиларидан нисаси билан фарқ қилмоқда. Мухлислари ахаблангирган воқеалар биринчи даврада рўй берди. Ўзбекистон чемпионатларида аҳоли қандай? Бу саволларга ўтказилган 15 та тур ўйинларидан жавоб излаш керак.

Айтиш жоизки, аввалги чемпионатларда етакчилик учун кураш пойтахтимизнинг уч жамоаси — "Локомотив", "Бунёдкор", "Пахтакор" ҳамда Қаршининг "Насаф" жамоалари ўртасида кечарди. Жорий йилги мавсумнинг биринчи даврасида эса бутунлай бошқа манзарага дуч келмоқдамиз. Ўзбекистон чемпионатларида "Локомотив" мавқеини туширмаган ҳолда турнир жадвалида қарвонбошлик қилаётган бўлсада, шу пайтгача темирўлчилик ҳам икки марта мағлубият алламини топиб кўришди. Ўтган йили олий лигада зўрға "жон" сақлаб қолган "Қўқон—1912" жамоаси эса барчани ҳайратга солиб жорий йил биринчи даврасини 2-ўринда қўнғулади. Жамоанинг бор-йўли 2 тагина ўйинда мағлубиятга учрагани, 7 ўйинда галаба, 6 ўйинда дуранг қайд этгани клуб

мураббийларининг рақобатбардош жамоа туза олишганидан, мақсадлари фақат соғирчи ўринларни эгаллаш эканлигидан далolat бермоқда.

Кўп йиллардан бери барқарор ўйин намойиш этиб фақат соғирчи ўринларга даъвогарлик қиладиган "Насаф" жамоасига ҳам гарчи ҳозирча 3-ўринда бораётган бўлсада, чемпионат якунида шу ўринни сақлаб қолиш қийин кечилиши аниқ.

Мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири "Пахтакор" жорий мавсумни анча муваффақиятсиз бошлаган. Хайриятки, вақтинчалик бош мураббийлик қилган Жасур Абдураимов футболчилар кўнглига йўл топа олди ва жамоа аста-секин галабаларга эришиб, биринчи даврани 5-ўринда қўнғулади.

Шунингдек, "Олмалик", "Бухоро", "Металлург", "Машъал", "Қизилқум", "Динамо" жамоалари ҳам анча шов-шувли галабаларни қайд этиб, биринчи даврада рақобат қилиш бўлишини таъминлашди.

Юртимизнинг довуқли жамоаларидан бири "Бунёдкор" биринчи даврани ўз номига яраш

№	Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О	№	Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1	"Локомотив"	15	11	2	2	36-10	35	9	"Машъал"	15	5	5	5	15-13	20
2	"Қўқон-1912"	15	7	6	2	23-16	27	10	"Қизилқум"	15	5	5	5	15-16	20
3	"Насаф"	15	8	2	5	24-14	26	11	"Динамо"	15	5	4	6	18-18	19
4	"Олмалик"	15	6	6	3	12-11	24	12	"Навбахор"	15	4	7	4	16-19	19
5	"Пахтакор"	15	7	3	5	19-19	24	13	"Сўғдиёна"	15	5	2	8	19-26	17
6	"Бухоро"	15	7	2	6	25-21	23	14	"Шўртан"	15	5	0	10	14-21	15
7	"Бунёдкор"	15	5	6	4	16-16	21	15	"Нефчи"	15	2	5	8	12-25	11
8	"Металлург"	15	6	2	7	20-20	20	16	"Обод"	15	2	3	10	10-30	9

Хулоса қиладиган бўлсак, олий лига жамоаларининг кўпчилигининг имкониятлари деярли тенг бўлиб қолган. Қувонарлиси, илгари қучсиз деб ҳисобланган жамоалар ҳам етакчи клублар билан тенгма-тенг кураш олиб боришга интиломоқдалар. Шундай экан, иккинчи давра баҳслари ҳам қизиқарли, кескин курашлар остида кечади. Жамоалар мухлисига қўнғулаб натижаларни ўқитишлари тақдим этиб, футболчиларни жозибасини оширишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошлангич нарх босқичма-босқич ошириш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидеги, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ш.Бурхонов кўчаси, 23-уйда жойлашган қурилиш тугалланмаган маъмурий бинолар қўйилмоқда. Бошлангич нархи — 8 768 946 899,89 сўм.

Баландса сакловчи: Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув. Аукцион савдоси 2017 йил 15 август кўни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1"А" уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу кўни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2017 йил 30 август ва 14 сентябрь кўнлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кўндан кечикмай олдин сотди шартномаси тузилади.

Талабдорлар давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, Савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувига асосан, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қўйидаги банк рекевизитларига закатли пулни тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома билан қўйилган савдо қилинган санадан бошлаб расмий иш кўнлари соат 10.00дан 16.00гача қабул қилинади ва биринчи раундда қўйилган аукцион савдоси бошланишидан 4 соат олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчиси талабдор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманома икки нусхада тақдим этади:

Юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномаларда қўрсатилган банк ҳисоб рақамига закатли тўланганликни тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. Лицензия: RR 0001.

Электрон почта: rielsavdo@inbox.uz. Интернет тармонидеги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gkl.uz, www.gklorg.uz.

Хўрмати тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қўнун билан қўнғулаб қўйилган қўнғуларнинг бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-2137 рақамли Ишонч телефонида зудлик билан хабар беришнииз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ нархлар ошириб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 28 июль кўни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 21-уйда ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2016 йил 6 сентябрдаги 10-1610/15945-сонли қарорига асосан банкрот, деб топилиб, хозирги кўнда тугатишга доир иш юритиш олиб борилаётган Тошкент шаҳри, Сергели туманидаги "TECHNOINDUSTRIA" МЧЖни кредиторининг 2017 йил 17 мартдаги 4-сонли йиғилиши баённомаси қарорига ва тугатиш бошқарувисининг 2017 йил 22 мартдаги 33-сонли хатига асосан Тошкент шаҳри, Сергели туманидаги "TECHNOINDUSTRIA" МЧЖга қарашли қўйидаги мулкларни лотларга бўлинган ҳолда қўймоқда.

1. Заточный станок ЗЛ-631 1 дона, бошлангич баҳо — 14922 сўм. 2. Мотоблок (ўт ўриш анжони) 16 дона бошлангич баҳо 4337740 сўм. 3. Рул 88 дона, бошлангич баҳо 1188000 сўм. 4. Алюминий жалюзий, 1 дона, бошлангич баҳо 11340 сўм. 5. Стеллаж, 1 дона бошлангич баҳо 36000 сўм. 6. Тумбочка, 3 дона, бошлангич баҳо 60750 сўм.

Ушбу мол-мулклар 2017 йил 28 июль аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2017 йил 4 август кўни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукционда қатнашиш учун: — юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома талаб этилади.

Ушбу савдода қатнашиш истагиде бўлган харидорлар закатли шартномасини тузиб, "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ ҳисоб рақамига 10 фоиз гаров пули тўлаган ҳолда арзиза бериб рўйхатдан ўтатишлари шарт. Арзиза қабул қилиш савдо бошланишидан бир кўн олдин тўхтатилади. Ҳисоб рақами 20208000004959643001 АИТБ Ипотечка банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИИН 302221689.

Савдо голибига савдо кўнундан 5 (беш) кўн муддат ичиде олди-сотди шартномасини имзолаш лозим.

Телефон: +99898-305-11-81.

Гувоҳнома №5477



Тошкент шаҳрида 13 июль кўни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат секундида 5-10 метр тезликда, қулайган ҳолда секундида 12-17 метр тезликда шамол эсиши мумкин. Ҳарорат кечаси — 21-23, кўндүзи — 33-35 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида қўра, 13 июлда Тошкент шаҳрини об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 735

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5233 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки "Тошкент почтанинга" — 233-74-05 телефонида мурожаат қилишнииз мумкин.